

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил декабрь ойининг 10 куни Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанция суди, суд биносида, очик суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи: Ғ.Ялгашев, судлов ҳайъати аъзолари, судьялар: Б.Имомов ва Р.Худайбердиевадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Раҳмоновнинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Б.Давронов, маҳкумлар [REDACTED] химоячилари адвокатлар С.Абдухакимов ва К.Йўлдошевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2024 йил 18 апрелдаги ҳукми ҳамда Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 31 июлдаги ажримига нисбатан маҳкумлар [REDACTED] химоячилари адвокатлар С.Абдухакимов ва К.Йўлдошевлар томонидан тафтиш тартибида келтирилган шикоятлар асосида жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2024 йил 18 апрелдаги ҳукмига кўра:

1992 йил 29 августда Нурота туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар вояга етмаган фарзанди бор, судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган, қамоққа олинганга қадар Нурота тумани, “Қизилча” МФЙ, Қизилча қишлоғида яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси, ҳукм ва кассация инстанциясининг ажрими нусхаларини қонунда назарда тутилган муддатда олган [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а, г” бандлари билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

1995 йил 3 февралда Нурота туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган,



камоққа олинганга қадар Нурота тумани “Қизилча” МФЙ Қизилча қишлоғида яшаган, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси, ҳукм ва кассация инстанциясининг ажрими нусхаларини қонунда назарда тутилган муддатда олган -

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а, г” бандлари билан 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ҳукм қонуний кучга киргач жабрланувчи З. [REDACTED] автомашинасига етказилган зарарни қоплаш учун Б. [REDACTED] томонидан Навоий вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 13.916.000 сўм пуллар жабрланувчи З.Беркиновга қайтарилиши;

судланувчи [REDACTED] солидар тартибда жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 8.500.000 сўм моддий зарар ундирилиши;

ашёвий далил деб эътироф этилган Нурота туман “Оби Ҳаёт Омад” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган судланувчи Э.Санақуловга тегишли “УАЗ” русумли 85 Х 408 ЕА давлат белгили автомашинани давлат фойдасига мусодара қилиниши;

ашёвий далил деб эътироф этилган Нурота туман “Оби Ҳаёт Омад” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган “Ваз 2106” русумли 85 С 967 ДА давлат белгили автомашинани қонуний эгасига қайтарилиши белгиланган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 31 июлдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2024 йил 18 апрелдаги ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятлари қаноатлантиришдан рад қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] ўғли 2024 йил 10 январь куни соат 15:00 да Нурота тумани “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Жонибек ота” чойхонаси биноси олдига ўзининг бошқарувида бўлган “УАЗ” русумли 85 Х 408 ЕА давлат белгили автомашинада ҳамда укаси судланувчи [REDACTED] бошқарувида бўлган “Ваз 2106” русумли 85 С 967 ДА давлат белгили автомашинада келиб, укаси [REDACTED] билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, уриб, дўппослаб ва қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида, чойхона биноси олд томонида бошқарувида бўлган 85Е297JA давлат белгили, оқ рангли “Нексия” русумли автомашинада тўхтаб турган [REDACTED] тегишли 85Е297JA давлат белгили, оқ рангли “Нексия” русумли автомашинасини ташқи кузов қисмига бошқарувида бўлган автомобилар билан унинг соғлиғига шикаст етказиш мақсадида уриб, автомашинасини намоиш қилиб қўлаб, [REDACTED] 85Е297JA давлат белгили Нексия русумли автомашинасини қасддан шикастлаб, З. [REDACTED] билан ўрталарида низо ва [REDACTED] юлон чиқариб, жамиятда ўзларининг мавқе ва устунлигини намоиш қилиб, [REDACTED] бир сабабсиз З. [REDACTED] танасининг турли жойларига қўллари билан

Ҳужжат имзоланган: Худайбердиева Роҳила Ахмадовна, 14.12.2024



уриб, оёқлари билан тегиб, дўппослаб, [REDACTED] РСТЭИАМНФ Нурота тумани бўлинмасининг 23.01.2024 йилдаги №11-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказиб, безорилик қилган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2024 йилнинг 10 январь куни соат 16:00 да укаси судланувчи Б.Санақулов билан бир гуруҳ шахслар бўлиб, Нурота тумани “Қизилча” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Жонибек ота” чойхонаси биноси олдида келиб жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, З.Беркиновни бирор бир сабабсиз, уриб, дўппослаб, унга соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказаётган вақтларида уларнинг безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўрган, [REDACTED] онаси Халбекова Гулсара Қадировна ва укаси Беркинов Нурбек Баҳриновичга қаршилик кўрсатиб, қария эканлигини инобатга олмасдан, эғнида бўлган кийимлари ва рўмолларидан тортиб, ожиз аҳволдаги шахсни хўрлаб, бўйин қисмидан бўғиб, бўш ер майдонига итариб юбориб, Г.Халбекова ва Н.Беркиновларга РСТЭИАМНФ Нурота тумани бўлинмасининг 15.01.2024 йил кундаги №12 ва №13-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосаларига кўра, енгил шикаст етказиб, безорилик қилган.

Адвокат С.Абдухакимов томонидан келтирилган тафтиш шикоятда, кассация инстанция судида профилактика инспектори сўроқ қилинмагани, жабрланувчи [REDACTED] олдиндан ўзаро келишмовчиликлари борлигига эътибор қаратилмагани, [REDACTED] Н.Беркиновларга етказилган тан жароҳатларининг етказилиш механизми, айнан ким томонидан етказилгани ёки уриб етказилгани исботланмагани, [REDACTED] а етказилган енгил тан жароҳатлари, унга нисбатан ножоиз ҳаракатлар қилинганини кўрсатиши, мазкур ҳаракатларга ҳамда [REDACTED] етказилган ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари бўйича [REDACTED] ва бошқаларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмагани, терговчи томонидан [REDACTED] ва [REDACTED]

урилиб зарар етказилгани ҳолатини Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс 61²-моддасининг 2-қисми билан малакалаш ҳақида қарор қабул қилинган бўлсада, суд томонидан [REDACTED] бошқарувидаги УАЗ автомашинаси жиноят қуроли деб топилиб давлат эгалигига ўтказишга қарор қилингани, суднинг қарори ноқонуний эканлиги, чунки терговчининг юқоридаги қарори ўз кучида бўлиб ушбу қарорга кўра автомашиналарни тўкнашуви маъмурий жавобгарлик учун асос ҳисоблангани, безорилик жиноятининг автомашина билан содир этилгани айбловда қайд қилинмагани, суд томонидан судланувчиларнинг ҳаракатлари ЖК 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан нотўғри квалификация қилингани ҳақида важлар келтириб, Э.Санақуловнинг ҳаракатларини ЖК 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандларидан ЖК 109-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилишни, [REDACTED] ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмагани боис унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни, Э.Санақуловга ўртача оғир тан шикасти етказган шахсларни аниқлаш ва ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун жиноят ишининг бир қисмини алоҳида



иш юритувга ажратиш ва тегишлилиги бўйича юборишни, суд ҳукмининг “УАЗ” русумли 85 X 408 ЕА давлат белгили автомашинани давлат даромадига ўтказиш қисмини бекор қилиб [REDACTED] қайтаришни, [REDACTED] ва [REDACTED] суд залидан қамокдан озод қилишни сўраган.

Адвокат К.Йўлдошев томонидан келтирилган тафтиш шикоятда, Э.Санақуловнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганини баён қилиб, Б.Санақуловга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни, [REDACTED] ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган шахсларни аниқлаш ва уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун жиноят ишининг бир қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш ва юборишни, суд ҳукмини [REDACTED] тегишли “УАЗ” русумли 85 X408ЕА давлат белгили автомашинани давлат даромадига ўтказиш қисмини бекор қилиш ва [REDACTED] қайтариш, [REDACTED] ва [REDACTED] суд муҳокамасида иштирокини таъминлашни ва манзил колониясидан дарҳол озод қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Р.Худайбердиеванинг маърузасини, прокурор Б.Давроновнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ва келтирилган шикоятларни қаноатлантиришдан рад қилиш ҳақидаги, маҳкумлар [REDACTED] ҳимоячилари адвокатлар С.Абдуҳакимов ва К.Йўлдошевларнинг келтирилган шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга батафсил таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан биринчи босқич судининг ҳукмини ҳамда кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Маҳкумлар [REDACTED] суд ҳукмида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айблари – биринчи инстанция судида ўзларининг айбларига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари билан бир қаторда биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] нинг, 2024 йил 10 январь куни соат 11:00 ларда Қизилча МФЙнинг марказида жойлашган "Жонибек ота" чойхонасига овқатланиш учун ўзига тегишли бўлган Нексия-2 русумли 85 E297 JA давлат рақамли автомашинада борганлиги, чойхонага кириб чой ичиб ўтирганлиги, бундан ташқари чойхонада билярд столи бўлиб уни ўйнаб турган йигитларни ўйинини томоша қилиб кузатиб ўтирганлиги, чойхонадан соат 15:30 ларда чиққанлиги ва чойхона олдида турган Нексия-2 русумли 85 E297 JA давлат рақамли автомашинасига ўтириб уни ўт олдирилганлиги, секин ҳаракатлантириб Шермат аканинг чойхонасини олдида борганлиги, у ерда Феруз ва Фарид исмли йигитларни кўриб, улар билан бироз гаплашганлиги, бу вақтда у автомашина ичида бўлганлиги, шунда автомашинани ён ойнасида орқа томонида унга олдиндан таниш бўлган, улар билан бир маҳаллада яшовчи [REDACTED] тегишли бўлган УАЗ русумли 85 X 408 ЕА давлат рақамли автомашина катта йўлнинг четида тўхтаб турганлигини кўрганлиги, кейин йигитлар билан хайрлашиб яна машинасини ўт олдириб "Жонибек ота" чойхонаси ёнига борганлиги ва ўша ерда машинасини татганлиги, бироқ ҳали автомашинадан эшикни очиб тушишга урмаганлиги, автомашина олд томони [REDACTED] ота чойхонасига қараган



ҳолатда турганлиги, шу вақтда ўнг ён томондан [REDACTED] ўзига тегишли бўлган УАЗ русумли 85 X 408 ЕА давлат рақамли автомашинасида тахминан 80 км соат тезлик билан бошқариб келиб у ўтирган автомашинани ўнг ён томонидан келиб урганлиги ва орқага олиб яна келиб автомашинаси билан уни автомашинасига келиб урганлиги, у [REDACTED] га қараган вақтида у автомашина бошқарувида ўтирган ҳолда юзига қараб кулиб турганлиги, у машинадан тушганлиги ва [REDACTED] га қараб нима қилганинг бу деганлиги, у эса нима қилдим деб жавоб қайтарганлиги, у Э [REDACTED] билан оғзаки тортишиб турган вақтида, шу орада Эркинни укаси бўлган [REDACTED] н ўзига тегишли бўлган ВАЗ 2106 русумли 85 С 967 DA давлат рақамли автомашинасида уни автомашинасини орқа томонидан келиб урганлиги, шунда автомашинаси айланиб, олд томони ғарб томонга қараб қолганлиги, автомашина ичидан Беркин тушиб келганлиги, Э [REDACTED] ҳамда [REDACTED] иккаласи ўша жойда уни қўл ва оёқлари билан уриб тепа бошлаганлиги, улардан нима учун ураётганлигини сўрашга улгурмасидан улар уриб дўшпослашни тўхтатмаганлиги, шу орада Қодиров Салим деган киши келиб қолиб уларни ажратишга ҳаракат қилганида [REDACTED] ва унинг укаси [REDACTED] ин унга сен бизни жанжалга аралашма деб айтганида Салим индамасдан ажратмасдан кетиб қолганлиги, шу орада Эркин унга “сен бизни милисага беришни бас қиласанми йўқми” деб айтганлиги, у унга “сени қачон милисага берганман” деб айтганида Эркин машинасидан ўзининг телефони олиб тушиб ниманидир қўйиб берганлиги, аммо у бу вақтда унинг телефонида нималар гапириляётганлигини эшитмаганлиги, [REDACTED] тилло тегирмони ишлатганлиги, у фуқаро сифатида улар ноқонуний тегирмон ишлатаётганлиги учун ИИБга хабар берган бўлганлиги, уни фикрича уларнинг ноқонуний тегирмон ишлатаётганлигини профилактика инспектори Ҳакимга айтганлиги, ўша куни [REDACTED] нга профилактика инспекторига айтган сўзларини қўйиб берди деб тахмин қилганлиги, аммо ўша вақтда овозларни яхши эшитолмаганлиги, у бу орада бироз жанжал бироз тинчиганидан сўнг дўкон ёнига бориб онасига телефон қилганлиги, онаси билан укаси Нурбек келганлиги, улар келганидан сўнг Эркин ва Беркин уларга қарата тош ота бошлаганлиги, [REDACTED] уни йиқитиб олган вақтида онаси ажратишга ҳаракат қилганлиги, бироқ ака-укалардан бири онасини итариб юборганлиги, онаси йиқилиб тушганлиги, [REDACTED] иккаласи ўша ерда уни қўл ва оёқлари билан уриб тегишганлиги, тош отишганлиги, у уларни урмаганлиги ва уларга тан жароҳати етказмаганлиги, унинг айби уларни тош тегирмони ишлатаётганлигини ИИБга хабар берганлигида бўлганлиги, жанжал давомида [REDACTED] айнан қаерларидан урганлигини ажратиб айтиб беролмаслигини, аммо иккаласи ҳам уни танасининг турли қисмларидан уриб, тегиб тан жароҳати етказишганлиги, унинг [REDACTED] билан ҳеч қандай олдиндан келишмовчилиги мавжуд эмаслиги, бундан анча вақт илгари [REDACTED] маст ҳолатда ҳақорат қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ва жаримани тўлаганлиги, бироқ, ундан кейин ҳам улар [REDACTED] билан ака-ука бўлиб бир қишлоқда яшаб келишганлиги, бу ҳолатнинг уларнинг ўртасида 10 январь куни содир бўлган жанжалга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, у [REDACTED] автомашинасида унинг автомашинасини уриб, шикаст етказган вақтида автомашинани



бошқармаётганлиги, чунки у Жонибек ота чойхонаси олдиға келган вақтида автомашинани тўхтатганлиги, [REDACTED] автомашинасини унинг автомашинасига уриб пачоқлаган вақтида у ўзининг автомашинаси ичида бўлганлиги, [REDACTED] келиб урганда эса автомашинадан тушиб, [REDACTED]

қилмаганлиги, Э [REDACTED] онаси Г.Халбекова жанжал вақтида, бу ерда жанжал кўтаргунича ота-онасини қарамоғига олишини, улар хор-зор бўлиб, Нурота туманида одамларнинг уйларида хизмат қилиб юрганлигини гапирганлиги, ака-укалар уларнинг ушбу гапини ҳақорат деб қабул қилган бўлиши мумкинлиги, бироқ у, онаси ёки укаси ҳеч бири ҳақоратли сўз ишлатмаганлиги, жанжал вақтида [REDACTED] уни ерга босиб олиб ураётган вақтида, онаси уни ажратиб олмоқчи бўлиб, [REDACTED] тортган вақтида [REDACTED] туриб, онасининг рўмолидан тортиб бўғиб олганлиги, шу вақтда уни ураётган унинг шериги [REDACTED] онасини бетон қопламали ерга итариб юбориши натижасида онасининг рўмоллари ечилиб, ерга йиқилиши натижасида тан жароҳати олганлиги, [REDACTED] томонидан отган тош, укаси [REDACTED] бел қисмига тегиши натижасида укаси тан жароҳати олганлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси борлиги, автомашинасига етказилган ва шифохонада ётиб даволаниб чиққан сарф харажатлари учун ва маънавий зарар кўргани учун 50 млн сўм пулларни ундиришни сўрагани ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи Халбекова Гулсара Қадировнанинг, 2024 йилнинг 10 январь куни соат 15:45лар атрофида ўғли [REDACTED] кўнғироқ қилиб, унинг Нексия-2 русумли автомашинасини “Жонибек ота” чойхонаси олдида қишлоқда яшовчи [REDACTED] ўзларининг бошқарувида бўлган УАЗ ҳамда Жигули автомашиналари билан келиб, уриб пачоқлаб, ўғлига тан жароҳати етказаётганлигини маълум қилганлиги, сўнг у тезлик билан “Жонибек ота” чойхонаси олдиға борган вақтида, бир гуруҳ одамлар йиғилиб турганлиги, у ерда [REDACTED] бош қисмидан тош билан уриб, унга тан жароҳати етказаётган бўлганлиги, бу вақтда у уларнинг ёнида ўғлининг автомашинаси пачоқланган бир аҳволда эканлигини кўрганлиги, кейин у уларга ўғлини урмаслигини айтиб, калтакланаётган ўғлини устки қисмига ётганлиги, шу вақтда ўғлининг бош қисмидан қон оқиб юзига тушаётганлигини кўрганлиги, шунда [REDACTED] уни рўмолидан тортиб, бўғиб, итариб юборганлиги ва тиззаси билан ерга йиқилганлиги, шу вақтда кичик ўғли [REDACTED]

[REDACTED] билан тортишаётган вақтида, [REDACTED] кўлида бўлган тошни унинг бел қисмига отиб унга тан жароҳати етказганлиги, бу вақтда келини Ниёзова Зебо ҳам келганлиги, у унинг ерда ётган рўмолини олиб кийимларини олиб бериб унга ёрдам берганлиги, у [REDACTED] нима сабабдан ўғлини бундай аҳволга келтириб урганлигини сўраганида, улар унга ўғлини тирик қолганига шукур қилишини, уларни тегирмондан фойдаланишларини ИИБга хабар беришни бас қилиши ҳақида маълум қилиб [REDACTED] қилганлиги, сўнг улар билан бир қанча вақт оғзаки тортишув бўлиб [REDACTED] ганлиги, шу вақтда ИПХ ходимлари келиб, профилактика инспекторлари [REDACTED]



иштирокида ходиса содир бўлган жойда автомашиналарнинг тўқнашув ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганлиги, сўнгра профилактика инспектори уни, ўғилларини, профилактика инспектори хонасига олиб боришганлиги, у ерга тез ёрдам келиб, уларга тинчлантирувчи укол қилиб кетишганлиги, сўнг уларни Нурота тумани ИИБга олиб кетишганлиги, унга ва ўғли Нурбекка [REDACTED] маънавий зарар учун 41 млн сўм пулларни берганлиги, лекин ўғилларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни бермаганлиги, шу сабабли улардан етказилган зарарларни ундириб беришни, уларга қонун доирасида қатъий жазо чораси сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўрагани ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи Беркинов Нурбек Бахриновичнинг, 2024 йилнинг 10 январь куни соат 16:00ларда яшаш хонадонидида бўлган вақтида онасига акаси Беркинов Зафар кўнғироқ қилиб, унинг автомашинасини қишлоқда яшовчи фуқаролар [REDACTED] автомашинасини пачоқлаганлигини маълум қилганлиги, сўнг онаси қишлоқ марказидаги “Жонибек ота” чойхонаси олдида чиқиб кетганлиги, у ҳам онаси билан бирга боришини айтганида, онаси унга уйда қолишини айтганлиги сабабли у уйда қолганлиги, сўнг орадан тахминан 15-20 дақиқа ўтиб, кўнгли нотинч бўлганлиги сабабли, у ҳам қишлоқ маркази томонга юриб борганлиги, бу вақтда у акасининг турмуш ўртоғи [REDACTED] ҳам бўлган ҳолат ҳақида хабар берганлиги, “Жонибек ота” чойхонаси олдида бир гуруҳ фуқароларнинг йиғилиб турганлигини кўрганлиги, шу вақтда акасига тегишли автомашинани пачоқлаган ҳолатини кўриб акасига бирор нарса қилган деб ўйлаганлиги, бу вақтда фуқаролар орасидан акаси З.Беркинов юзлари қон оқиб турган ҳолатда чиқиб келганлиги, сўнг у нима сабабдан бундай бўлганлигига тушуна олмай қолганлиги, шу сабабли у [REDACTED] нима сабабдан бундай қилганлигини сўраганида Беркин унинг олдида келиб, унинг ёқасидан тортиб четга ўтганлиги, шу вақтда [REDACTED] акасини ёқасидан олиб, уни кўллари билан бош ва танасининг турли қисмларига муштлаб ура бошлаганлиги, шунда Беркин уни кўйиб юбориб, тезлик билан югуриб, у ҳам акасини кўллари билан уриб иккаласи акасининг бош қисмига тинимсиз уриб жароҳат етказганлиги, шунда онаси уларни урмасликларини сўраб, акасининг устига ётган вақтида [REDACTED] онасининг рўмоли билан кўшиб бўғиб олганлиги, [REDACTED] эса онасини итариб юбориши натижасида онаси тиззаси билан ерга йиқилиб, жароҳат олганлиги ва онасининг рўмоллари ечилиб кетганлиги, у мазкур ҳолатга чидаб тура олмай улар томонга югурган вақтида одамлар ва профилактика инспекторлари уларни ажратиб қолганлиги, шу вақтда уларнинг ораси анча узоқлашганлиги сабабли, ака-ука [REDACTED] уларга тош отиб, тош бўрон қилганлиги, кейин профилактика инспекторлари уларни профилактика инспектори хонасига олиб кетганлиги, шу вақтда улар отган тошлардан бири унинг бел қисмига тегиб тан жароҳати олганлиги, улар профилактика инспекторининг хонасига қадар шу ҳаракатларини давом эттириб келишганлиги ва акасига ташқарига чиқишини айтиб бақирганлиги, сўнг тез ёрдам келиб, уларга биринчи ёрдам кўрсатиб тинчлантирувчи укол қилиб кетишганлиги, унга ва онасига [REDACTED] маънавий зарар учун 41 млн сўм



пулларни берганлиги, лекин акаси [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарларни бермаганлиги, шу сабабли улардан етказилган зарарларни ундириб беришни, уларга қонун доирасида қатъий жазо чораси сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўрагани ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Ниёзова Зебо Раҳматовнанинг, 2024 йилнинг 10 январь куни соат 16:00лар яшаш хонадонида кечки овқат тайёрлаб турган вақтида, қайни укаси Беркинов Нурбек телефон қилиб, қишлоқда яшовчи [REDACTED] ва унинг укаси [REDACTED] иккаласи турмуш ўртоғи [REDACTED] автомашинасини Қизилча қишлоғи марказида, “Жонибек ота” чойхонаси олдида ўзининг машинасида уриб, пачоқлаганлигини, бундан ташқари, уни уриб, тан жароҳати етказганлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг у тезлик билан кичкина қизчаси билан биргаликда қишлоқ марказига қараб югурганлиги, бу вақтда бир қанча одамлар йиғилиб, “Жонибек ота” чойхонаси томон кетаётганлигини гувоҳи бўлганлиги, сўнг у турмуш ўртоғига нимадир бўлганлигини билиб, тезлик билан югурганлиги, Жонибек ота чойхонаси олдида борган вақтида қайнонаси Халбекова Гулсара ерда рўмоллари ечилиб кетган бир ҳолатда ётганлигини, унинг олдида турмуш ўртоғи [REDACTED] юзлари қон бўлиб турганлигини кўрганлиги, у жон ҳолатда [REDACTED] нима сабабдан бундай қилганликларини айтиб бақириб, қайнонасини ўрнидан турғизганлиги ва рўмолларини олиб берганлиги, бу вақтда [REDACTED] қайнонаси, турмуш ўртоғи ва улар томонга қарата тош отаётган бўлганлиги, [REDACTED] қўли билан улар томонга ўлдиришини айтиб ишора қилиб кўрсатганлиги, укаси [REDACTED] эса қўлида бўлган қандайдир темир билан ўзининг автомашинасида уриб, жаҳлини кўрсатганлиги, шу вақтда ИИБ ходимлари келиб, мазкур жанжални тинчлантиришганлиги, сўнгра уларни профилактика инспекторининг хонасига олиб боришиб, у ерда тез ёрдам чақиришиб, уларга тинчлантирувчи дори беришганлиги, сўнгра Нурота тумани ИИБга олиб кетишиб, у ерда бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш олишганлиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] оиласини автомашинасида киракашлик қилиб боқиб келганлиги, лекин автомашинаси яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли арзон нархга сотиб юборганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Жонибеков Нишоннинг, ҳақиқатдан ҳам Нурота тумани “Тинчлик” МФЙ биноси яқинида Қизилча қишлоғида “Жонибек ота” чойхонасини юритиб келиши, чойхонада билард ўйингоҳи ҳам бўлиб, қишлоқдаги фуқаролар чойхонага билард ўйнаб чой ичгани келиб туриши, 2024 йилнинг 10 январь куни соат 15:00 лар атрофида “Жонибек ота” чойхонасида иш юритиб ўтирган вақтида, унга олдиндан таниш бўлган [REDACTED] ўзининг оқ рангли Нексия русумли автомашинасида чойхонаси олдида келиб тўхтаганлиги, шу вақтда, у автомашинасидан тушишга улгурмасидан [REDACTED] ўзининг УАЗ русумли 85 X 408 ЕА давлат рақамли автомашинасида унинг автомашинасини ўнг томонидан келиб урганлиги ва автомашинадан тушганлиги, шунда [REDACTED] ҳам [REDACTED] автомашинасидан тушиб, улар ўзаро ёқама-ёқа бўлиб тортишиб кетишганлиги, вақтда [REDACTED] уларни тинч қўймаслиги, унинг дастидан



ИИБ ходимлари унинг уйидан кетмаётганлигини, яшашига тинчлик бермаётганлигини айтиб, жаҳл устида турли хилдаги сўзлар билан ҳақорат қилиб, З [REDACTED] танасининг бош қисмига ва бошқа қисмларига муштлаган ҳолатда уриб унга жароҳат етказганлиги, З [REDACTED] ҳақоратли сўзларига жавоб қайтариб, уни уришига қаршилик кўрсатганлиги, у бирдан уларни ажратишга уриниб, уларнинг ёнига югуриб чиққанлиги, шу орада Б.Санақулов ўзининг бошқарувида бўлган 85 С 967 DA давлат рақамли Ваз 2106 русумли автомашинани бошқариб келиб, у ҳам [REDACTED] Нексия автомашинасига автомашинасини олиб келиб урганлиги ва у ҳам автомашинадан тушиб, [REDACTED] билан ёқалашиб кетганлиги, у уларни ажратишга уринган вақтида ўғли Жонибеков Илҳом ўзининг савдо дўконидан югуриб чиқиб, ёши катталиги, уларни ажрата олмаслиги, йиқилиб тан жароҳати олиб қолиши мумкинлигини айтиб уни ичкарига олиб кирганлиги, шу билан ўғли уни ташқарига чиқармаганлиги, бу орада [REDACTED] онаси Холбекова Гулсара, укаси [REDACTED] ҳам келиб, [REDACTED] билан бир-бирларига ташланиб, бир-бирларини тинмай ҳақорат қилганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Норбобоев Нурбек Ёдгоровичнинг, Нурота тумани “Қизилча” МФЙ раиси сифатида фаолият юритиб келиши, 2024 йилнинг 10 январь куни соат 16:00 лар атрофида Нурота тумани “Тинчлик” маҳалласи биносига иш юзасидан келган вақтида, маҳалла биносининг орқа томонида “Жонибек ота” чойхонаси олдида Беркинов Зафарнинг оқ рангли Нексия русумли автомашинаси пачоқланган, унинг ёнида эса одамлар тўпланиб турганлигини гувоҳи бўлганлиги, [REDACTED] юзидан қон оқиб турганлиги, шунда у ўша ерда бўлган ёшлар етакчиси [REDACTED] сўраган вақтида, у [REDACTED] уриб тан жароҳати етказганлигини, уларни бир ўзи зўрға ажратганлигини, бошқа ҳеч ким унга ёрдам бермаганлигини маълум қилганлиги, сўнг у ерга профилактика инспекторлари келганлиги, унинг йиғилиши бўлганлиги ҳамда улар тинчланганлиги учун профилактика инспекторига топшириб кетганлиги, у уйга кириб, кийимларини алмаштириб, йиғилишга қайтиб ўтиб кетаётган вақтида, яна марказда жанжал бўлаётганлигини гувоҳи бўлганлиги, сўнг у йиғилишга бормасдан, жанжал бўлаётган жойга борган вақтида, З [REDACTED] онасини рўмоллари тушиб ётганлигини кўрганлиги, улар ўзаро уришиб бўлишгани, ИИБ ходимлари уларни ажратиб, профилактика инспекторининг хонасига олиб кетаётган бўлганлиги, шунда [REDACTED] йўл-йўлакай бақариб, қилган ишлари учун жавоб беришини айтиб кетаётган вақтида, ака укалар қўлларига тош олиб, улар томонга қарата ота бошлаганлиги, сўнгра уларни маҳалла биносига олиб киргандан сўнг жанжал тинчиганлиги, маҳалла фаоллари билан ушбу иккала оилани ўзаро яраштириш чораларини кўришганлиги, бироқ улар ўзаро ярашмаётганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Эшпулатов Фирдавс Эрали ўғлининг, Нурота тумани “Қизилча” МФЙда ёшлар етакчиси бўлиб ишлаб келиши, 2024 йил 10 январь куни одатдагидек маҳалла ишлари билан юрганлиги,



ўша куни соат 16:00 ларда эски маҳалла томонда юрган вақтида тўсатдан баланд овоздаги тақиллаган овоз эшитилганлиги, шунда у бирор нима портлаб кетди деб ўйлаб овоз келган томонга югурганлиги, овоз “Жонибек ота” чойхонаси томондан келганлиги, чойхона олдида югуриб ўтганида маҳалласида яшовчи ака-ука [REDACTED] исмли йигитлар [REDACTED] ака билан жанжаллашаётганлигини кўрганлиги, тахминича [REDACTED] акани қўли билан урган вақтида [REDACTED] бошидан қон оқиб келганлиги, [REDACTED] н эса у уларни ажратаётган вақтида [REDACTED] аканинг ичидан урганлигини кўрганлиги, у ака укаларни тинчлантириш учун акаси [REDACTED] и ушлаганида укаси [REDACTED], укаси [REDACTED] ажратолмаганлиги, улар [REDACTED] ёқасидан ушлаб олгани, қайсидир бири оёғидан чилим бериб йиқитишга уринганлиги, ака-ука иккаласи [REDACTED] "сенга нима қилдик, нима учун бизни тинч қўймайсан, нима учун бизни бунча ёзаверасан, биздан нима хоҳлайсан" деган гапларни айтганлиги, [REDACTED] эса "мен ёзганим йўқ" деб жавоб қайтарганлиги, улар эса "сен ёзмасанг нима учун бунча бизни ИИБ ходимлари чақириб ўз ҳолимизга қўйишмайди" деб айтганлиги, шу орада жанжал тўхтаганлиги, бошқа одамлар яқинлашмаганлиги, чунки атрофдаги одамлар ўзларига тинчлик керак деб яқинлашмаганлиги ва ажратишга ҳаракат қилиб ушбу жанжалга гувоҳ бўлиб қолишдан қўрққанлиги, чунки ҳар икки томон ҳам бир-бири билан анчадан буён келишмасдан келиши, шу орада у [REDACTED] четга тортганлиги, кейин ИИБ ходимлари келганлиги, уларни кўриб бошқа одамлар ҳам тўпланишганлиги, чойхона эгаси Нишон бобо ҳам чиқиб келганлиги, сўнг у раис билан Нуротага бориши кераклиги учун автомашинага ёқилги учун пул олиб келиш мақсадида уйига кетганлиги, орадан бироз вақт ўтиб қайтиб келганида [REDACTED] онаси, укаси ва турмуш ўртоғи келишганлиги, ака-ука [REDACTED] билан уларнинг ўртасида тахминан 20-30 метрлар масофа бор бўлиб улар бир-бирлари билан бақир чақир қилишганлиги, шу орада профилактика инспектори уларни ўзининг хизмат хонасига олиб кетганлиги, у уларнинг автомашиналари бир-бирига қандай урилганлигини кўрмаганлиги, лекин Зафар аканинг автомашинаси йўлни устида турганлиги, [REDACTED] ҳам Жигули ва УАЗ русумли автомашиналари ўша жойда бўлиб бир-бирига тегиб турмаганлиги, учта автомашина ҳам бир-биридан алоҳида турганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Иброҳимов Ҳакимжоннинг, Нурота тумани “Қизилча” МФЙда ИИБ ХПБ профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиши, вазифаси ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиш эканлиги, жиноят иши юзасидан судланувчи ва жабрланувчи тарафларни танишини, уларга хусумати ва адовати йўқлигини, улар у ишлаб келаётган “Қизилча” МФЙда яшаб келишини, 2024 йилнинг 10 январь куни бўлган жанжал ҳақида эшитиб “Тинчлик” маҳалласи биносининг орқа томонидаги “Жонибек ота” чойхонаси олдида келганлиги, шунда ака-ука [REDACTED] автомашинасида [REDACTED] Нексия русумли автомашинасига уриб шикаст етказганлигини кўрганлиги, бундан [REDACTED] пқари, [REDACTED] юзлари қон бўлганлиги, боши ёрилганлиги, уларни [REDACTED] ратганлиги, шу вақтда [REDACTED] онаси Г.Халбекова ва укаси [REDACTED]



Н.Беркиновлар келиб қолганлиги, сўнг улар ўртасида яна жанжал бўлганлиги, у уларни ажратганлиги, айнан ким-кимга қанақа жароҳат етказганлигини билмаслигини, улар бир-бирларини ҳақорат қилишганлиги, лекин Г.Халбековани Б.Санакулов қасддан итариб юбормаганлиги, тортиб ажратмоқчи бўлганда йиқилиб тушганлиги, бу ҳолатни у аниқ кўрганлиги, шундан сўнг уларни ўртасида тош отиш ва ҳақорат қилишлар яна давом этганлиги, кейин кўшни маҳалла профилактика инспектори ва бошқа ИИБ ходимларини кўшимча куч сифатида чақиртириб уларни тинчлантирганлиги, ҳақиқатдан ҳам Э.Санакуловларнинг устидан ноқонуний тилла қазиб олиш бўйича ИИБнинг 102-рақамига берилган мурожаатга асосан суриштирув ҳаракатларини олиб бориб, МЖТКнинг 165-моддаси билан маъмурий баённома тузиб туман судидан хужжатларни ўтказганлиги, [REDACTED] жарима жазосига тортилганлиги, бироқ у [REDACTED] устидан [REDACTED] шахсан унга мурожаат қилиб, ноқонуний тилла қазиб олаётганликлари, уларга чора кўриш ҳақида айтмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви, шунингдек, жиноят иши хужжатларидаги фуқаролар [REDACTED] Нурота тумани ИИБга ёзган аризалари, жиноий ҳодиса юз берганлиги ҳолати бўйича Нурота тумани ИИБ НКнинг Шакл-1 китобидан рўйхатдан ўтган 65, 67-сонли билдиргилар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва илова фотожадвал, судга оид транспорт трасология, автотехник, баҳолаш экспертиза хулосалари, судга оид тиббий экспертиза хулосалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал, юзлаштириш ва сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукми ҳамда кассация ажримидан афрофлича баҳо берилган.

Судлов ҳайъати, дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида профилактика инспектори Х.Иброхимовнинг батафсил сўроқ қилингани ишнинг у билан боғлиқ барча жиҳатларига аниқлик киритилгани боис, адвокат С.Абдуҳакимовнинг тафтиш шикоятда келтирилган, кассация инстанция судида профилактика инспектори сўроқ қилинмагани ҳақидаги важи билан;

жабрланувчилар Г [REDACTED] оид 2024 йил 15 январдаги №12-сонли эксперт хулосаси, [REDACTED] оид 2024 йил 15 январдаги №13-сонли экспертиза хулосаларида етказилган тан жароҳатларининг етказилиш механизми, ўрни ва вақти баён қилингани;

жабрланувчиларга тан жароҳатлари дастлабки тергов ҳаракатлари давомида ким томонидан етказилгани жабрланувчиларнинг, воқеа содир бўлган жойда бўлган гувоҳларнинг кўрсатувлари, СТЭ хулосалари, юзлаштириш баённомалари билан исботлангани;

иш хужжатларидаги 2024 йил 28 февралдаги жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳамда кўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориш учун маъмурий материал тариқасида ажратиб, тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисидаги қарор билан [REDACTED] нисбатан МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисми, [REDACTED] нисбатан 41-моддаси билан жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш мақсадида кўшимча терговга қадар текширув



ҳаракатларини олиб бориш учун алоҳида материал тариқасида ажратиб Нурота тумани ИИБга юборилиш ҳақидаги қарор қабул қилингани;

юқоридаги қарорга асосан [REDACTED] етказилган ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари бўйича [REDACTED] ва бошқаларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилгани;

айб фабуласида судланувчилар Э [REDACTED]

автомашинани ташқи кузов қисмига ўзларининг бошқарувларида бўлган автомашиналар билан унинг соғлиғига шикаст етказиш мақсадида уриб, автомашинасини намоёиш қилиб қўллаб, [REDACTED] 85E297JA давлат белгили Нексия русумли автомашинасини қасддан шикастлаб, З.Беркинов билан ўргаларида низо ва тўполон чиқариб, жамиятда ўзларининг мавқе ва устунлигини намоёиш қилиб, ҳеч бир сабабсиз [REDACTED] танасининг турли жойларига қўллари билан уриб, оёқлари билан тепиб, дўппослаб, [REDACTED] РСТЭИАМНФ Нурота тумани бўлинмасининг 23.01.2024 йилдаги №11-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказиб, безорилик қилгани баён қилинганини инобатга олиб, тафтиш шикоятда келтирилган кассация инстанция судида профилактика инспектори сўроқ қилинмагани, жабрланувчи [REDACTED] олдиндан ўзаро келишмовчиликлари борлигига, [REDACTED] етказилган тан жароҳатларининг етказилиш механизми, айнан ким томонидан етказилгани ёки уриб етказилгани исботланмагани, [REDACTED] етказилган енгил тан жароҳатлари, [REDACTED] етказилган ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари [REDACTED] ва бошқаларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши лозимлиги ҳақидаги вазлари билан келишмайди ва мазкур вазларни судланувчиларнинг айбини енгиллаштириш мақсадида келтирилган деб баҳо беришни лозим топади.

Судлов ҳайъати, тафтиш шикоятда келтирилган [REDACTED] [REDACTED] автомашиналарида [REDACTED] автомашинасига келиб урилиб зарар етказилгани ҳолати маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61²-моддаси 2-қисми билан малакалаш ҳақида қарор қабул қилингани, аммо судья томонидан [REDACTED] бошқарувидаги УАЗ автомашнаси жиноят қуроли деб давлат эгалигига ўтказишга қарор қилингани, суднинг ушбу қарори ноқонуний эканлиги, чунки терговчи томонидан қабул қилинган маъмурий жавобгарликка тортиш учун ҳужжатлар тариқасида ажратиш қарори ўз кучида бўлиб ушбу қарорга кўра автомашиналарни тўкнашуви маъмурий жавобгарлик учун асос ҳисоблангани, безорилик жиноятининг автомашина билан содир этилгани айбловда қайд қилинмагани ҳақидаги вазини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади: Навоий вилоят ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси катта терговчиси У.Гулмуродовнинг 2024 йил 28 февралдаги жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳамда қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориш учун маъмурий [REDACTED] териал тариқасида ажратиб, тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисида [REDACTED] юрнинг бир қисми билан судланган [REDACTED] нисбатан МЖТКнинг



61²-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш мақсадида қўшимча терговга қадар текширув ҳаркатларини олиб бориш учун алоҳида материал тариқасида ажратиб Нурота туман ИИБга юборилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли Қарорининг 2-бандида, майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида берилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, фуқароларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бошқача тарзда бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланиши, бунда Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги кераклиги;

агарда майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида тушунтириш берилган бўлсада, терговчи У.Гулмуродов томонидан юқоридаги Пленум [REDACTED] [REDACTED]. Беркиновнинг автомашинасига етказилган моддий зарар қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш мақсадида қўшимча терговга қадар текширув ҳаркатларини олиб бориш учун алоҳида материал тариқасида ажратиб нотўғри қарор қабул қилгани кўринади.

Судлов ҳайъати юқорида қайд этилган Пленум Қароридаги тушунтиришларга риоя қилган ҳолда Навоий вилоят ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси катта терговчиси У.Гулмуродовнинг 2024 йил 28 февралдаги жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳамда қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориш учун маъмурий материал тариқасида ажратиб, тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисида қарорнинг судланган Б.Санақуловга нисбатан МЖТКнинг 61²-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш мақсадида қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш учун алоҳида материал тариқасида ажратиб Нурота туман ИИБга юборилиш қисмига ҳуқуқий баҳо бериш учун Навоий вилоят прокурорига маълум қилишни лозим топади.

Судлов ҳайъати, шунингдек, тафтиш шикоятда келтирилган судланувчиларнинг ҳаракатлари ЖК 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан нотўғри квалификация қилингани, Э.Санақуловнинг ҳаракатларини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандларидан ЖК 109-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиш, Б [REDACTED] ҳаракатларида бирор бир жиноят аломатлари бўлмагани боис унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важи билан келишмайди, чунки юқорида қайд этилган Пленум Қарорининг 13-бандида, судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб



чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари кераклиги, жумладан, оилада, уйда (хонадонда) қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги, башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик хурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203¹-моддасида, ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жиний мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят қуроли экани белгиланган.

Юқоридаги қонун талабига риоя қилинган ҳолда жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2024 йил 18 апрелдаги ажрими билан судланган [REDACTED] бошқарувида бўлган “УАЗ” русумли 85 X 408 ЕА давлат белгили автомашина ашёвий далил сифатида эътироф этилган.

Судлов ҳайъати юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, тафтиш ишқоятида келтирилган, “УАЗ” русумли 85 X 408 ЕА давлат белгили автомашинани давлат даромадига ўтказиш қисмини бекор қилиб, Э [REDACTED] қайтариш ҳақидаги важини рад қилишни лозим топади.

Судлар ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд қарорларида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судлар томонидан маҳкумлар Э.Санақулов ва Б.Санақуловларнинг жиний қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а, г” бандлари билан тўғри квалификация қилиниб, биринчи инстанция суди томонидан уларнинг ҳар бирига нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишнинг сабаби, судланувчиларнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатлар инobatга олиниб, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосага келган ҳолда уларга нисбатан эълон қилинган айб моддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида асосли тўхтамга келинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасига кўра, тафтиш станцияси, биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси

судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантормасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли тафтиш инстанцияси суди, суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, [REDACTED] нисбатан суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятини қаноатлантормасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 510, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига асосланиб тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 31 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2024 йил 31 июлдаги [REDACTED]

[REDACTED] оид ҳукми ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоятлар қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томон Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:	(имзо)	Ғ.Ялғашев
Ҳайъат аъзолари:	(имзо)	Б.Имомов
	(имзо)	Р.Худайбердиева
Аслига тўғри. Судья		Р.Худайбердиева

